

Қотилини озод қилган Умар



08:35 / 13.04.2020 2219

Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазизга суиқасд уюштирилди. Хизматкори унинг таомига захар солган эди. Умар ибн Абдулазиз мени чақириб, «Одамлар мен ҳақимда нима дейишяпти?» деб сўради. Мен «Сехрланган дейишяпти», дедим. «Мен сеҳрланган эмасман», деди. Кейин хизматкорини чақириб, «Шўринг қурсин! Нима учун менга захар ичирмоқчи бўлдинг?» деди. Хизматкор: «Озод бўлиш учун минг динар беришим керак эди. Ўша пул учун бу ишни қилдим», деб жавоб берди. Умар уни чақириб, хазинага олиб борди ва шунча миқдордаги пулни унга бериб, «Ҳеч ким кўрмайдиган жойдан чиқиб кет», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан